



ШАХРИСАБЗ ТАРИХИЙ МАРКАЗИДА ЖОЙЛАШГАН МАСЖИДЛАР ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Файзуллаева Бахтигул Нурулло қизи

"Шахрисабз давлат музей қўриқхонаси" бош мутахассиси

Аннотация: Ушбу мақолада Шахрисабз шаҳрининг тарихий марказида жойлашган масжидлар тарихи ҳамда уларнинг бугунги кундаги ҳолати ҳақида маълумотлар акс эттирилади.

Калит сўзлар: Масжид, намоз ўқиладиган жой, марказий бино, диний илм, гумвазли, айвон, хужралар, меъморий безак.

Бугунги кунда замонавий илм фан билан биргаликда диний илмга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Халқимизнинг диний илмларини ошириш мақсадида ҳар бир вилоятимизда масжидлар бунёд этилмоқда. Масжид сўзи арабчадан олинган бўлиб, "сажда қилинадиган жой" маъносини англатади. Масжидлар асосан, кундалик беш вақт намоз ўқиш учун мўлжалланган жойдир. Биринчи масжидни Мадинада Муҳаммад(с.а.в) қурдирган. Хусусан Шахрисабз шаҳрида ҳам бир неча масжидлар бунёд этилди. Шахрисабз шаҳрининг тарихий марказида алоҳида тарихий аҳамияга эга бўлган бир неча тарихий масжидлар тарихига назар ташлаймиз.

АБДУШУКУР ОҒАЛИҚ МАСЖИДИ

Ушбу ёдгорлик 1909 Шахрисабз бекларидан бири – Абдушукур исмли шахс томонидан бунёд этилган. Масжидлар маҳаллаларда яшовчи диндор кишиларни ибодат қилиши ва номоз ўқиши учун қурилган. XIX – XX асрларда қурилган масжидларнинг кўпчилигида марказий бино атрофи уч томондан очиқ усулда айвон билан ўралган ва албатта номоз ўқиладиган жой салқин бўлиши таъминланган. Масжиднинг ички хонаси 8x8 метр ҳажмда тўртбурчак шаклда . шунингдек бош мажмуа атрофида хужралар қурилган, улардан кироатхоналар, яъни диний китобларни мустақил ўқиш учун фойдаланилган. 2000 йилда ушбу ёдгорлик ЮНЕСКОнинг "Жаҳон мероси" рўйхатига киритилган. Абдушукур Оғалиқ масжиди Коба карвонсаройи рўпарасида эски ҳаммом ёнида жойлашган.



ҚУНДУЗАК МАСЖИДИ

Ушбу масжид XX аср бошларида қурилган бўлиб, Қундузак маҳалласида яшовчи диндорларнинг номоз ўқиши учун хизмат қилган. Масжиднинг ички хонаси 8.5x8.5



метр ўлчамда бўлиб, уч томони айвон билан ўралган ва ягона гумбазга бирлаштирилган. Масжид XIX – XX асрларга хос композицион услубда бўлиб, оддий пишиқ тўртбурчак ғиштлардан бунёд этилган. Масжид атрофидаги хужралар бузилиб кетиб, бизгача сақланиб қолмаган. Ҳозирги пайтда ҳам Қундузак масжиди маҳалла диндорлари учун фаолият кўрсатиб турибди. Масжид 2000 йил декабр ойида ЮНЕСКОнинг “Жаҳон мероси” рўйхатига киритилган. Мустақиллик йилларида масжид қайта таъмирланган.

КЎК ГУМБАЗ МАСЖИДИ

Мазкур ёдгорлик олим ва давлат бошлиғи Муҳаммад Тарағай Улуғбек томонидан 1434-1435 йилларда қурилган. Улуғбек давлатни бошқарган вақтида отаси Шохрух номидан бобоси Амир Темур шарафига бунёд этган. Кириш пештоқининг равоғида ичкарасида уларнинг номлари ва қурилиш вақти ёзилган. Шунингдек унда жоме масжиди эканлиги, яъни ҳафтанинг ҳар жума куни бу ерда намоз ўқиш таъкидланган. У икки гумбазли бўлиб остки в устки гумбазлар оралиғи ўн метрни ташкил этган. Ташқи гумбаз доирасидаги оддий сопол ғиштлар, пастидан устигача сиркор мовий, кўк ва оқ ранглар берилиб, қуръон оятлари ёзилган парчалар сақланиб қолган. Пештоқининг олд томонида ҳам геометрик сержило безаклар кўп ишлатилган ва уларда “Оллоҳ”, “Муҳаммад” сўзлари моҳирона битилган.

МАЛИК АЖДАР(МОЛИКИ УШТУР) МАСЖИДИ

Малик Аштар масжиди Шаҳрисабзнинг тарихий қисми яъни – жануби –ғарбий қисмида жойлашган. Ёдгорлик 1917 йилларда маҳаллий меъморчилик услубида барпо этилган бўлиб, унинг пешайвонида рангли тасвирий расмлар акс этган.¹ Малик Аждар масжидининг номланиши (халқ орасида “Гумбаз” масжид) Малик Аждар исмли араб саркардасининг қабри, бошқа манбаларда эса “Ғилай” аштар ҳақидаги афсоналар билан боғлайдилар. Ҳозирда Малик Аждар масжиди ҳовли атрофи бўйлаб жойлашган хужралардан иборат мажмуа ҳисобланади. Уларнинг энг аҳамиятлиси хонақо бўлиб гумбази яқин атрофдаги уйларнинг томларидан баландроқдир. Меъморий ечими

¹ П. Равшанов, Н. Хушвақов Қашқадарё тарихига саёҳат “Илм-зиё-заковат” нашриёти, 2020.



маҳалла масжидларига хос, масжид биноси XIX аср охирига келиб тўла шаклланган.



ҲАЗРАТИ ИМОМ МАҚБАРАСИ ВА МАСЖИДИ

Ҳазрати Имом мақбараси ҳақида тўлиқ маълумотлар сақланмаган. Айрим манбаларда Ҳазрати Имом Абу Муҳаммад Абдал Кеший шахсига мансублиги айтилган. XIX аср ўрталарида мақбара билан бир қаторда синчли катта айвони ва хужралари бўлган гумбазли гузар масжиди қад кўтарган

КУНЧИҚАР МАСЖИДИ

Кунчиқар масжиди XIX асрда маҳалла аҳолиси ташаббуси билан қурилган. Ушбу масжид шаҳарнинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган. Масжиднинг номи Амир Темур томонидан қурдирилган қалъа деворининг кунчиқар томонида жойлашган маҳалла номидан келиб чиққан. Масжид ичида миллий услубда ишланган устун, ташқи томондан масжиднинг шарқ томонида кичик айвон жойлашган.



Шаҳрисабздаги барча меъморий обидалар ўзининг алоҳида тарихи, меъморий улуғворлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу ўринда юқорида тилга олинган Кунчиқар, Ҳазрати Имом, Малик Аштар, Кўк Гумбаз, Абдушукур Оғалик, Қундизак масжидлари бир-биридан қизиқарли тарихга эканлиги билан ажралиб туради. Ушбу масжидларнинг ҳаммаси мустақиллик йилларида таъмирланди. Бугунги кунда ушбу масжидлар Шаҳрисабз давлат музей қўриқхонаси таркибига киритилган. Уларнинг



барчаси кўриқхона ходимлари томонидан назоратга олинган. Барча масжидларда аҳоли намоз ўқишлари учун барча шарт- шароитлар яратилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга яратамиз. Тошкент, "Ўзбекистон" 2017.
2. "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2003.
3. Бўриев О. Турон тарихининг олтин даври Тошкент. "Ворис нашриёти" 2019.
4. П. Равшанов, Н. Хушвақов Қашқадарё тарихига саёҳат "Илм-зиё-заковат" нашриёти, 2020.